

ФИЗИКА ЎҚИТУВЧИСИННИГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ МАЗМУНИ

ҚарМИИ ўқитувчи
Н.М.Мустафаева

Аннотация: Уибұ мақолада Халқаро таълим ташкилотларида таълим сифати ва самарадорлигини барқарор таълим тараққиётини таъминловчи креатив моделлари амалиётга табиқ этилмоқда. Давлатимизда сүнгги йилларда физика фанини ўқитишнинг илмий-назарий ҳамда услубий асосларини ривожлантириши, замонавий ўқитии техника воситалари ҳамда усулларидан дарс давомида құллашыда инновацион ёндашувга эришишининг меъёрий-хуқуқий асослари ишилаб чиқылмоқда.

Аннотация: В данной статье креативные модели, обеспечивающие качество образования и дух товарищества устойчивого развития образования, применяются на практике в международных образовательных организациях. В последние годы в нашей стране развивается развитие научно-теоретических и академических методов преподавания физики, разработка современных методик обучения и методов достижения инновационного подхода в процессе образования.

Annotation: In this article, creative models that ensure the quality of education and camaraderie of sustainable educational development are put into practice in international educational organizations. In recent years, in our country, development of scientific-theoretical and academic methods of teaching physics, development of modern teaching techniques and methods of achieving an innovative approach in the course of education are being developed.

Калит сўзлар: инновация, метод, фаоллик, лаборатория, техника, компонент, стандарт, ностандарт, экспериментал.

Ключевое слово: инновация, метод, деятельность, лаборатория, методика, компонент, стандартный, нестандартный, экспериментальный

Key word: innovation, method, activity, laboratory, technique, component, standard, non-standard, experimental.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 19 мартағи ПҚ-5032-сон қарорлари ва бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгилаб ўтилган давлатимиз қўйган вазифаларни амалга ошириш масалаларига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб кўрсатганлар [1].

Физика фанини техника таълим йўналишида ўқитиша педагогик жараёнларнинг узлуксизлигини, шу билан бирга узвийлигини инновацион ёндашувлар асосида таъминлашнинг ахамияти тўғрисида ўқитиш жараёнининг муваффақияти – ўкув жараёнини босқичма-босқич лойихалаш, жараённи моделлаштириш ҳамда алгоритмлаш, таълим натижасини олдиндан аниқ белгилашга боғлиқ деб санайди.

Хозирги кунда таълим жараёнига жорий этилаётган туб ислоҳатлар, замонавий ёндашувлар, барча ўқув предмети (физикага оид фанлар)нинг талабалар томонидан самарали, малака талаблари асосида ўзлаштирилиши ўқув жараёнида қўлланиладиган интерфаол воситалар, педагогик инновациялар, фан педагогининг касбий компетентлиги албатта, талабаларнинг фанга оид билимларини интеллектуал ўзлаштириш даражасига чамбарчас боғлиқдир. Бугунги кунда таълим амалиётида кенг қўлланилаётган ва аксарият ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти асосини ташкил этаётган янгиликлар ўқитиш методлари ва ўқитиш воситаларини модернизациялашга, такомиллаштиришга қаратилган. Талабаларнинг онги, атроф-муҳит, умуминсоний қадриятлар, оила ва жамиятдаги тарбия ва жамоат фикри ўзгарди.

ДТСларига мувофиқ фаолият олиб борадиган ўқитувчи анъанавий технологиялардан интерфаол технологияларга, шахсга йўналтирилган таълимда даражани фарқлаш технологиясидан фойдаланиши, компетенциявий ёндашишга ўргатиш, лойиҳалаш, «ўқув вазиятлари», ҳамда тадқиқот жараёни, АКТлари, интерфаол усуллар ҳамда фаол таълим шаклларига ўтиши кераклиги таъкидланди. Педагогнинг касбий маҳорати ҳамда профессионаллигининг ажралмас қисми сифатида унинг касбий компетентлиги ҳисобланади [2.-Б.11.].

Бугунги кунда мамалакатимиз ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг барча соҳаларини том маънода ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, таълим тизимини тубдан янгилаш, жамиятимизнинг стратегик мақсадларини амалга ошириш масаласига муҳим омиллардан бири сифатида қаралмоқда. Зеро, илм – инсон тафаккурига билим, руҳий қувват, тетиклик, ғурур, тизимлилик баҳш этади. Бу эса приовард натижада шахс онгидаги физикадан илмий дунёқарашнинг ривожланиши ҳамда шаклланишига яхши замин яратиб берди, уларда дастлабки физикадан илмий асосланган тушунчалар ва илмий-тадқиқотчилик фаолиятининг шаклланишига имконият яратди.

Шу маънода таълим тизимида ёш ўқитувчилар ва физика бўйича иқтидорли талабаларни физика фани йўналишида мустақил тадқиқот олиб боришлигини ташкил этиш нафақат таълим соҳаси учун, балки ҳозирги жадал ижтимоий ўзгаришлар ва янгиланишлар даврида жамият учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Физика фанини ўқитишда илмий фаолиятнинг кўриш, эшитиш, билиш, англаш, танлаш ва илмга ижодий ёндашиш усууллари муҳим аҳамиятга эга. Барча хусусиятларга эга бўла туриб, илмга ижодий ёндашилмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Бунда фанни ўрганишда қуйидаги икки йўналишни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

Булар, физика фанини ўқитишда маълум назарий-методологик тамойиллар, илмий, ғоявий асосларга таяниш муҳим аҳамиятга егадир.

Физика фани ҳамда унинг ёрдамчи соҳаларида фанларао алоқалар тўғри йўлга қўйиш таъминланса, масалаларнинг мазмуни янада бойиб боради, илмийлик ошади, мавзу, масалаларнинг бир-бирини тақрорлашнинг олди олинади, зерикишларга йўл қўйилмайди. Физика фанида илмий фаолият олиб бораётган тадқиқотчи, албатта, оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилаётган материаллар билан мунтозам танишиб бориши, уларни атрофлича ўрганиши, уларда илгари сурилган илмий-назарий тамойилларни ҳар бир талаба онгига етказиш мақсадга мувофиқ [3.-131 б.]

Физика курсларида ўқувчиларнинг ахборот ресурслар билан фаол ҳамда мустақил ишлаш амалий, экспериментал қўникмаларини ривожлантириш, мулоқотни таъминлаш физика туркумидаги фанларни чуқур ўрганиш учун ҳам замин яратиб беради.

Талабаларнинг физикадан мустақил ишларини тизимли кетма-кетлиқда ташкил этишда фойдаланиладиган ахборот ресурсларининг биринчи компоненти физика дарсларида электрон таълим ресурсларидан фойдаланишга асосланган.

Иккинчи компонент физикадан лаборатория ва практикум машғулотларида талабаларнинг мустақил таълим ишларини самарали ташкил этиш методикаси, учунчи компонент тест (стандарт ва ностандарт) топшириклари воситасида ўзи-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини йўлга кўйилганлиги билан изоҳланади.

Бизнинг фикримизча, талабаларнинг билишга қизиқишлари авваламбор дарсларда юзага келади. Шунинг учун ўқитувчи ўқитишининг турли методлари, шакллари ва турларини қўллаган ҳолда дарснинг ҳар бир босқичида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштиришга, ўқишга қизиқишини оширишга интилишлари лозим. Ўқитувчи ўз дарсида кўпроқ таянч схемалар, расмлар, жадваллар, карточкалар, тақдимотлар, анимациялар, ўқув-кино фильмлари, тарқатма материаллар, қизиқарли машқлардан фойдаланишлари муҳим ҳисобланади. Улар ҳайратланиш ҳиссини, янгиликларни, ҳайратланични, кутилмаганликни келтириб чиқаради, зийраклик, ташаббускорликни ривожлантиради, ҳайриҳоҳлик муҳитини яратади [4.-48 б.]

Хулоса қилинганда, физика ўқитишининг ахборот-коммуникацион таълим муҳити интеграциялашган инсонга йўналтирилган методик тизимни ўзида шакиллантиради ва субъектлар (педагог, ўқувчи) фаолияти интерфаол ахборот алмасиши жараёнида физика таълими сифатини ортишига замин ҳозирлайди.

Адабиётлар

1. Yoshirish va ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2021 yil
2. Мустафоева Д.А. Ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Fizika sohasidagi ta’lim sifatini ривожлантириш (ихтисослик фан ўқитувчиларининг малака ошириш курслари мисолида): пед.фан.бўйича фалс.докт (PhD) дисс...автореферати. –Тошкент, 2020. –Б. 11.
3. Абдуқодиров А.А. ва бошқалар. «Кейс-стади» услуби: назария, амалиёт ва тажриба. –Т.: «Тафаккур қаноти», 2012. -131 б.
4. Шайзакова Д.А. Шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш (умумий ўрта таълим мактаблари мисолида): пед.фан.фалс.докт. (PhD)... дисс.автореферати. –Самарқанд, 2020. –48 б.
5. Mavlonova.X.J. Innovasion ta’lim sharoitida texnika oliv ta’lim muassasasida texanika bo‘limini o‘qitishdagi yondashuv va tamoyillar Toshkent Davlat Pedagogika Universiteti Ilmiy axborotlari ilmiy nazariy jurnal № 3-2023 164–171 bet.(13.00.00 № 32)
2. Mavlonova.X.J. Fizika fani mexanika bo‘limini innovatsion ta’lim sharoitida o‘qitishning mazmuni va uning uzviyligi . Toshkent davlat pedagogika universiteti ilmiy axborotlari ilmiy nazariy jurnal № 3-2023 212-219 bet.
. (13.00.00 № 32)

3. Mavlonova.X.J. Pedagogikal conditions of innovative activity in the educational system.Science and innovation international scientific journal volume 2 issue 7 july 2023 228-231 bet. uif-2022:8.2|ISSN:2181-3337|scientists.uz. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8200497>

4. Mavlonova.X.J. Oliy ta'lim muassasalari talabalarini innovasion ta'lim sharoitida o‘qitish. Innovations in technologiya and science education. www.humo science.com № 5.305/ 2023 652-658 bet.